

У мусулмонларнинг ходими эди



10:50 / 10.10.2023 1990

«Муҳаммад араб жазирасининг саййиди бўлса ҳам, мартаба ҳақида ўйламасди, уни эгаллаш учун ҳаракат ҳам қилмасди. У ўзининг пайғамбар эканига кифояланди. У мусулмонларнинг ходими эди. Уйини ўзи тозаларди, оёқ кийимини ўз қўли билан таъмирларди, олийжаноб, саховатли зот эди. Биронта камбағал ёки муҳтож одам ундан бирор нарса сўраб келса, қайтариб юбормас, балки ўзида бор нарса билан унга мурувват кўрсатар эди. Кўпинча ана шу ўзидаги бор нарса ҳам ҳатто, ўзига ҳам етар-етмас даражада оз бўлар эди».

Леди Зайнаб Эвелин Кобболд

У Ислонни қабул қилган инглиз зодагон аёли. Леди Зайнаб Эвелиннинг 1934 йили «Макка ҳаж сафари» номли китоби босилиб чиқди.

Шотландиянинг Вестер Росс шаҳарчасида дафн этилган Эвелиннинг қабртоши устида Қуръони Каримнинг Нур сурасидан оятлар ўйиб ишланган.